

Следовательно, хотя мы и утверждаем, что деталь обращения пери-женщины в дастане после нарушения условий снова в чучело птицы характерны для второго этапа развития мифологического сознания, в её основе лежат тотемические, этимологические мифы, характерные первоначальной ступени мифологического сознания.

В дастане можно встретить и такие мифические детали, которые характерны для второй ступени мифологического сознания. По указанию С.Каскабасова в мирах второго этапа мифологического сознания явление целевого превращения наиболее чувствительно. На данном этапе мифологического сознания человек осознаёт, что он разделён от природы и считает законным процессом превращения человека, признавая это как закономерное явление. Превращение человека в животного и в другие предметы связывается с какой-то причиной [5:76].

–Виновность считается одной из основных причин. Превращение человека в другое существо или его столкновение с несчастным случаем Виновный человек после наказания превращается в дикое существо, в птиц или с ним случается несчастье.

В большинстве случаев данное наказание осуществляется через их магическую веру через силу слова, через его волшебство.

В башкирском варианте дастана «Едиге» имеется мифологический мотив об описании похода Едиге к Сатмиру хану (Сатмиру, Шаху Темиру, Амиру Тимуру – таковы варианты имени Амира Тимура –А.К., А.Г.). Именно здесь можно увидеть синтезированную картину всех этапов архайческого мифа мифологического мотива. Превращение волса хвоста того коня, который съел волшебную траву – маргию – в данном варианте, его волшебство, которое заключается в умении превращать волос этот в диких животных,

умение его оживить их и заставить говорить, т.е. умение подарить им человеческий голос, речь сороки, подобная человеческой и если – все это является мифологической деталью, характерной для первоначального этапа и «закономерное превращение, переоборужение», то гнев Деда Волосистого (Ворсистого), превращение старика в каменного скульптора (памятника) в результате проклятия, произнесённого у колодца, жизнь жырау Сыпыра без детей – эти все детали, характерные для этапа условного превращения более усовершенствованного архайческого мифа.

В целом, среди тюркских народов, в частности каракалпакского, идейно-эстетический источник эпосов служил их генезисом, или же можно утверждать о существовании подобных мотивов, служащих генеалогической причиной героев эпических произведений связанных с волшебными, тайными, событийными мотивами. Однако приведённые выше примеры и выводы, извлечённые из них сами за себя говорят о том, что безусловно определяет ещё одну вещь – это то, что тайные, волшебные событийные и сюжетные мотивы распространялись из одного источника, что подача их в различных формах и целях свидетельствует не только о разнообразии образа и красок жизненных условий вышеуказанных народов, но и доказывает тысячелетние связи исторического, культурного и другого характера (экономического, социального, общественного, духовно-культурного высказывания т.п.) между ними. А мысли, суждения, высказывания зарубежных учёных, приведённые выше о волшебных, событийных, сюжетных мотивах в эпических произведениях фольклора этих народов безусловно могут служить научно – эстетическими основами для крупных исследований, которые могут вестись по эпосоведению в будущем с помощью сравнительно - сопоставительного и типологического методов.

Литература

1. Горгут ата. Гадымы туркмен эпосы. –Ашхабад: «Туркменистан», 1990.
2. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. –Л-М.: «Наука», 1974.
3. Ерёмкина И. Миф и народная песня. // Миф. Фольклор. Литература. –Л.: «Наука» Л.О., 1978.
4. Короглы Х. Огузский героический эпос. –М.: «Наука», 1976.
5. Каскабасов С. Қазақтың халық прозасы. – Алматы: «Ғылым», 1981.
6. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. –М.: «Наука», 1976.
7. Маржани Ш. Қазан хәм Болгар хәллерге турында файдаланылған хәбәрләр. –Казань: «Татарстан», 1989.
8. Нурмухамедов М.К. А.С.Пушкинның ертеклери хәм Орта Азия халықларының фольклоры. -Нөкис: «Қарақалпакстан», 1987.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қиёсий-типологиялық тахлил асосида турк-муғул, араб-форс халқлари оғзаки эпик меросида сеҳрли-воқеавий сюжетларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жихатлари, уларнинг қорақалпоқ эпослари ва фольклорида ғоявий-эстетик генезис вазифасини ўташи муаммолари ўрганилади. Мазкур халқлар эпик меросида сеҳрли-воқеавий сюжетлар мотивлари сайёр сюжетлар сифатида қўлланилган. Булар эса ўша халқларнинг кўп асрлик тарихий-маданий алоқаларга эга эканлигидан ва маънавий яқинлигидан дарак беради. Мақолада шундай хулосага келинадики, хорижий олимларнинг бу соҳадаги изланишлари қиёсий-типологиялық характердаги бирламчи тадқиқотлар сифатида кўзга ташланади.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе сопоставительного - типологического метода изучаются сходства и различия мотивов волшебных-событийных сюжетов в устном эпическом наследии турко-монгольских и арабо-персидских народов, которые являются идейно-эстетической основой в генезисе каракалпакского эпоса и тюркской фольклористике. Мотивы волшебных-событийных сюжетов встречаются в форме переносных сюжетов в эпическом наследии вышеуказанных народов. Это показывает многолетние исторические культурные связи и духовную близость этих народов. Делаются выводы о том, что мнения зарубежных учёных по этому вопросу являются первыми исследованиями сопоставительно-типологического характера.

SUMMARY

The article deals with the similarities and differences of motives of magic-event plots in folklore epic heritage of Turkic-Mongolian and Arab-Persian people on the basis of the comparative-typological method. They are the ideological-aesthetic basis in the genesis of Karakalpak epos and Turkic folklore. The motives of magic-event plots are given in the form of transferred plots in the epic heritage of the above-mentioned people. It shows the historical cultural and spiritual connections of these people. The opinions of foreign scholars on this issue are the first investigations of the comparative-typological character.

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ОБРАЗИ ВА БАДИЙ ТАЛҚИН

(Гулистон Матёкубова ижоди мисолида)
Г.Курамбаева – *филология фанлари номзоди*
Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Таянч сўзлар: тарихий драма, дoston, образ, мавзу, прототип, лирик тасвир, эпик йўналиш, конфликт, ҳаёт ҳақиқати, адабий жанр, бадий талқин.

Ключевые слова: историческая драма, поэма, образ, тема, прототип, лирическое изображение, эпическое направление, конфликт, жизненная правда, литературный жанр, художественное толкование.

Key words: historical drama, poem, image, theme, prototype, lyric depicting, epic direction, conflict, true life, literary genre, literary artistic interpretation.

Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёкубова бадий адабиётнинг турли жанрларида фаол қалам тебратиб келаётган ижодкорларнинг олдинги сафиди туради. У ҳозиргача назм ва насрда,

публицистика ва драматургияда, киноқисса ва либретто жанрларида кўплаб китоблар чоп эттирди. Шоирнинг кўпчилик асарлари Қорақалпоғистон мавзусида. Ўлканинг ўзига хос табиати, одамлари қиёфаси ва

психологияси, урф-одатлари ва анъаналари, адабиёти ва маданияти, санъати ва бошқа бетакрор маънавий-ахлокий сифатлари чинакам миллий колоритда бадий ифодаланмоқда. Бундай мавзуда асарлар ёзишни ижодининг бош мотивига айлантирган шоира, биринчи навбатда, қорақалпоқ халқи тарихига муҳрланган шахсларни ёки айни кунларда эзгуликка хизмат қилаётган, эл ардоғидаги инсонларни асарлари қаҳрамонларига айлантираётгани, шу орқали қорақалпоқ ва ўзбек адабиётига ўзига хос ҳисса қўшаётганлигини қўллаб қувватласа арзийди. “Жиров қалби” достони қорақалпоқ мавзусидаги шундай сара асарлардан бири.

Қурбонбой Тожибой ўғли атоқли қорақалпоқ жирови, бахши. Достонда унинг ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. Барча воқеалар жиров тақдири билан боғлиқ. Жировнинг бу санъат турига кизиқиши, босқичма-босқич орзуларининг амалга ошиши, қийинчиликлар ва тўсиқларни енгиб ўтиши, хўжайини билан келишмовчиликлари; (у бир бойнинг уйида хизматкор, чўпон бўлиб ишлайди) изчил, гоҳ лирик планда, баъзан эпик баён усулида берилади. Маълумки, адолатсиз замонларда ҳақиқий талантлар кадр топмаган, таҳқирланиб қувғин қилинган. Достонда бу ғоя Куронбой жиров ва бой қарама-қаршилиги фонида очилади. Қурбонбойни синаш учун бой сайл уюштиради ва унга қўбиз бериб достон айтишни буюради. Жиров “Қирқ қиз” эпосини илҳом билан қуйлаб бошлайди. Гулойимнинг мардлиги ва жасурлигини таърифлайди. Орзу умидларини ҳам ижрога қўшиб юборади. Жировнинг ҳар бир сўзи бойга ўқдек ёпирилади, газабланиб ундан қўбизни тортиб олиб, ўзини қишлоқдан ҳайдайди. Бу воқеа диалог шаклида достонда яхши акс этган. Бахсда маърифат ва жаҳолат, ҳақиқатга хиёнат, адолатсизликка нафрат, асл талантга садоқат туйғулари тўкнашади. Шу тўкнашувда қаҳрамон характери очилади. Жиров тақдири мисолида китобхон ўтмишда киссахонлар, жировлар, бахшилар босиб ўтган мураккаб ҳаёт йўлини, халқнинг маънавий бойлигини асрашга, авлодларга етказиш учун қилинган фидойиликлар ва курашни идрок эта олади. Реал ҳаёт материали даврга мослаштирилиб тасвирланган. “Қирқ қиз” эпоси “Жиров қалби” даги бош образнинг мукамал чиқишида муҳим манба вазифасини ўтаган. Қурбонбой жиров ижросидаги эпос варианты қорақалпоқ халқи орасида жуда машҳур. Ва бу факт асарда қорақалпоқ колоритини яратишда ҳам муаллифга қўл келгани сезилиб туради. Достонда жиров тилидан берилган шеърини парчалар, термалар, қўшиқлар таъсири чиққан, ҳаяжон билан ўқилади. Халқона услубда битилган шундай лирик парчалар борки, беихтиёр халқ қўшиқларини эслайсиз. Фольклорга хос баъзи лавҳаларнинг достон сюжетида киритилгани асар тилини соддалаштирганидек, ўқимишли чиқишини ҳам таъминлаган. Мана, кичкина бир мисол:

Қалбимизнинг торлари ипакмикан-ипакмикан,
Сув бўйида кўринган толмикан терамикан,
Барчин сифат қиз кўрдим оқамиш овулида,
Шу сулув деб ёнмаган юрак ҳам юракмикан? [2]

Жиров анъаналари бугун ҳам давом этаётгани, орзулари ижобат бўлиб, замондошлари ижодида акс садо бераётгани, қуйларда, қўшиқларда жировлар, бахшилар репертуарларида янграётгани ҳақидаги бадий ифодалар билан достонга сўнгги нуқта қўйилади. Хуллас, “Жиров қалби” достони, наинки, Қурбонбой жиров, балки ушбу санъат тури ижрочиларига нисбатан эътибор ва эътирофнинг рамзи ҳамдир.

Г.Матёкубова “достон” қилса арзигулик замондошлари образини яратишда ҳам жанр имкониятларини ишга солмоқда. “Ойболдоқ”

фикримиз тасдиғи бўлиши мумкин. Достон қаҳрамони машҳур тиббиёт шифокори, Ўзбекистон Қаҳрамони Онесия Сейтова. Унинг ҳаёти, меҳнат йўли тасвири орқали тиббиёт муаммолари кўтарилади. Орол ҳалокати туфайли юзага келган қийинчиликлар “мушфиқ оналарни, мурғак болаларни” турли касалликларга гирифтор этган, “табиатни сувсиз қолдирган, ўзбошимча авлодлар табиат жаллодлари” ҳақида сўз юритилади. Достоннинг бир услубий ўзгачалигини айтиш лозим. Асар марказида шифокор образи турмайди, балки лирик қаҳрамонни безовта қилган, изтироб ва қувончларга сабабкор вазиятларни, замон ва инсон, табиат тўғрисидаги мулоҳазаларини ифодалаш назарда тутилгандек таассурот қолдиради. Истиқлол берган буюк неъматлар миллий кадриятлар, меҳроқибат, она ва фарзанд садоқати каби ғоялар лирик монолог шаклида очилади.

Йиғлаб бораётир,
Кетиб бораётир
Сарғайган Орол
Туздай ачишди онанинг бағри...
Бу офатга, бу кулфатга
Оғриққа ким жавоб берар
Бу дардларга даво қани? [3]

Орол ҳалокатига бағишлаб кўп асарлар ёзилган. Инкирознинг инсонлар ҳаётидаги салбий оқибатлари, табиат ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарар хусусида ҳар хил жанрларда туркум асарлар битилган. Бир қарашда, “Ойболдоқ” достони янгилик эмасдек кўриниши мумкин. Лекин муаммога бошқа ракурсдан ёндашсак, асар Оролнинг қуриши боис вужудга келган ҳар хил касалликларни даволаб, она-бола саломатлиги учун курашган, “Оналарга дармон, азиз, меҳрибон она, фарзандга парвона”, “уч минг чақалоққа доя, янги тақдирларга қоя” бўлган шифокор Онесия Сейтовага бағишланганлигини ҳисобга олсак, достон шакл ва мазмун жиҳатидан бошқа асарларга ўхшамайди. “Ойболдоқ”нинг яна бир ўзгачалиги бор. У жанри бўйича лиро-публицистик достон. Асарда образ биографияси тафсилоти берилмайди (достоннинг охирида қаҳрамоннинг таржимаи ҳолига доир айрим маълумотларни истисно қилганда). Асосан, муаллифнинг диққати қаҳрамоннинг психологияси, орзу-армонлари, қалби эзгуликларга бой, ҳаёти ва меҳнатини соғлом авлод, она-бола тақдири, саломатлигига туташтирган шифокорнинг руҳий олами очиб берилади. Лирик кечинмалар, монологлар шу йўналишда. Агар муаллиф қаҳрамонни фақат психологик планда эмас, ташқи муҳитда, одамлараро муносабатда, ижтимоий фаолиятда ҳам кўрсатганида эди, асарнинг бадий салмоғи янада ошган бўларди. Образнинг ижтимоий характерига хос қирралар тўлиқроқ очилиши мумкин эди. Бунга қарамасдан, достоннинг аҳамияти катта. “Ойболдоқ” айни бугуннинг асари, жуда долзарб.

Муаллиф ижодида тарихий шахслар образининг бадий талқини ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир асари хусусида тўхталиш зарур. Бу “Қуёш қизи ёки само садолари” номли достон. Тўғри, асар ватанимиздаги тарихий шахслар ҳақида эмас. Биздан анча узоқ масофадаги бир хорижий давлат, Франция озодлиги учун курашган мард ва жасур қиз Жанна Д.Арк ҳаёти ва курашига бағишланади. Асар муаллифнинг достончиликдаги юксак маҳорати намунаси. Атоқли шоира Зулфия уни ўқиб ҳайратга тушганини матбуотда ёзган эди [1]. Жанна француз халқининг миллий қаҳрамони, инглиз босқинчиларига қарши озодлик курашига бошчилик қилган, метин иродали қўмондон. Ёш бўлишига қарамай душман билан олишувда бирин-кетин ғалаба қозанади. Обруси тобора кўтарилиб боради. Ватанини инглизлардан халос

этишга эришади. Бу тарихий ҳақиқат дoston сюжети-нинг тармоқларидан бирига айланган.

Дostonнинг иккинчи қисмида воқеалар бироз мураккаблашади, конфликтлар кучайтирилади. Жанна тақдири билан боғлиқ эпизоднинг драматик ҳолатига асосий урғу берилади. Натижада, қалтис вазиятлар, воқеалар гирдобиди обазлар характери очилиб боради. Қиздаги ирода ва эътиқоднинг мустаҳкамлиги, мардлик ва жасурлик хислатлари ҳам ички, ҳам ташқи конфликт фонида тасвирланади. Муаллиф қаҳрамон характери ни очишда ташқи конфликтдан кўпроқ фойдаланган. Жанна садокат кўрсатган шахслар қизга хиёнат қилади, уни ҳарбий ҳаракатларга раҳбарлик қилишдан четлаштиради. Инглизлар иттифокчиси бургузлар билан жангда Жаннани асир олишади ва инглизларга сотиб юборадилар. Инглизлар эса қизни Руан шахрига келтириб черков судига топширади. Бу тарихий ҳақиқат. Ижодкор манбаларни ижод призмасида қайта ишлаб, бадиий ҳақиқатга айлантиради. Черков суди Жаннани даҳрийлик ва жодугарликда айблайди. Эътиқодидан қайтиш учун суд олдида қасам ичишни талаб қиладилар. Жанна талабни рад этади. Рухонийлар билан Жанна диалоги ўта кескин ва шиддатли кечади. Қўллари кишанда бўлсада, душманлари олдида таслим бўлишни номус билган қиз рақибларини фош этишдан тўхтамайди. Жоҳиллар судда мақсадига ета олмагач, Жаннани марказий майдонда гулҳанда ёкиб ўлдириш ҳақида ҳукм чиқаради. Ҳукм ижро этилади. Бу маълумот тарихда бор. Жаннанинг қисмати фожиаи ўлим билан якун топади. Бироқ қиз жисмонан мағлуб қилинган бўлсада, жасорати, руҳи мангу барҳаёт, самодаги куёш янглиғ порлаб туриши ҳақидаги ҳаётбахш ғоя дoston финалида яхши айтилган.

Офтоб бу оламнинг буюк тираги,
Уни ҳеч қандай куч сўндираолмагай
У замин-замоннинг олов юраги,
Жаҳолат олови қуйдира олмагай.
Жанна бу Муҳаббат, Шафқат, Жасорат,
Ватанпарварликнинг рамзи Жаннада... [4]

Муаллиф дoston “Интиҳоси” да ўқувчини бир мутлоқ ҳақиқатга даъват этади. Душман мард инсонлар ҳуқуқи ва эркини таҳқирлашга, зўравонлик билан мағлуб этишга, ҳатто жисмонан йўқотишга қанчалик уринмасин, барибир адолат устун келади. Қора булутлар куёш юзини абадий тўсиб туролмаганидек, эзгулик, ҳақиқат бир кун келиб, албатта, юзага чиқади. Зулм ва кулфат ҳомийлари эса мудҳиш тақдир бандасига айланадилар. Бу ғоя дostonнинг ўқилди, нурлантириб турадиган ўчмас машғала. Дoston сўнггидаги икки мисра ўқувчининг ҳақиқат кучига ишончини яна бир бор мустаҳкамлайди.

Куёш қизин айблаб ёқмоқ бўлдилар,
У куёшга сингди, улар ўлдилар... [4]

Дostonда лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ўй кечинмалари, ташқи ҳаракатларига мослаштирилиб, тасвирий воситалар орқали яхши берилган. Мисрала-рга диққат қилинг; образли талқинлар нақадар оригинал ва таъсирли! “Мангулик қудрати сени аягай, Ҳақиқат меваси тоти асалдир”, “Тухмат қийнаса, руҳлар суягай” ёки “Қуёшга ўхшайсан сўнмаган Жанна, Умр боғларига гуллаган Жанна”, “Ҳиёнатга душман садокатга қул”, “Мардликка ёпирилди қўрқоқ хиёнат, Покиза ақлга қўйилди қопқон, Зиндонга ташланди ёниқ жасорат”, “Ҳазонлар Жаннанинг қайғуси бўлиб, йўлларга сочилиб қолди заъфарон” в.х. Бундай шоирона ифода-лар дostonда кўп. Жасорат, Мардлик, Эътиқод, Ишонч каби азалий қадриятлар асарда поэтик образ вазифасида келади. Ҳар бири ўзига хос рамз.

Оёғига бошин қўйиб Жасорат,
Ўзининг аксини Жаннада кўрди.

Ёки:

Ватанпарварликнинг рамзи Жаннада
Озодлик рамзи ҳам, эркининг рамзи ҳам.
Душманга ён босган манфур хиёнат,
Жасорат олдида боши бўлар ҳам [4].

Бундай рамзий талқин қаҳрамон характери-нинг муҳим сифатларини идрок этиш, ҳис қилишга ёрдам берганидек, дostonнинг етакчи ғоясини теран англаб, ҳулоса чиқаришни ҳам енгиллаштиради.

Мухтасар айтганда, “Куёш қизи...” дostonи Франциянинг миллий қаҳрамони ҳаёти билан ўзбек китобхонларини таништиришда муҳим бўлганидек, шоиранинг дostonчилиқдаги яна бир янги ютуғидир.

Г.Матёкубова драматургия жанрида ҳам тарихий шахслар образини яратишга муваффақ бўлди. “Қаторда норинг бўлса...” тўрт пардали шеърый драмаси реал фактларга асосланиб ёзилган. Асар таниқли қорақалпоқ олими ва шоир, давлат арбоби Наврўз Жапақовнинг бадиий образини сахнада гавдалантиришга бағишланган. Бу инсон ўз даврида Қорақалпоғистон илми, адабиёти ва санъати ривожига ҳисса қўшган, ижтимоий-сиёсий ҳаётида танилган шахслардан бири. Драма автобиографик асарни эслатади. Бош қаҳрамон (шоир) билан боғлиқ кўп воқеалар реал ҳаётдан олинган, аниқ далилларга асосланади. Биринчи пардада шоирнинг газета билан боғлиқ фаолияти, муаллифларни қабул қилиши, мулоқотлар, қайлиги, кейинчалик турмуш ўртоғи Гулзода билан танишуви тафсилотлари берилади. Иккинчи пардадан бошлаб воқеалар бироз жиддийлашади. Шоир ноҳақ тухматга учраб камалади. Бироқ узокка бормай ҳақиқат тикланади, у озод бўлади. Мазкур пардадаги шоир, Гулзода ва журналист диалогларида образларнинг дунёкараши, руҳияти, умуман, характер қирралари очилиб боради. Персонажлар нутқидаги индивидуаллик уларни ким ва қандай эътиқодга эга шахс эканлигини кўрсатиб туради. Бу воқеаларнинг марказида ҳам шоир образи туради. Муҳаббатга, оилага, одамларга муносабат масалалари ёритилади. Учинчи парданинг сюжети иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ. Асарда уруш эпизоди йўқ. Бош қаҳрамоннинг ватанпарварлиги, фидойилиги ва ташкилотчилиги, раҳбарлик қобилияти фронт орқаси ҳаёти майдонида синалади. Бу даврга келиб, у ҳукумат раиси лавозими-га кўтарилади. Халқ, адабиёт ва маданият манфаати йўлида бир талай хайрли ишларга бош қош бўлади. Воқеалар турли тоифа кишилар билан мулоқотларда, ўзаро тортишув ва бахсларда, зиддиятларда, баъзан кескин тўқнашувларда намоён бўлади. Драманинг охириги, тўртинчи пардасида воқеалар янада мураккаблашади. Образ психологиясида жиддий ҳолат рўй беради, камситишлар, иғво, интригалар, асоссиз айбловлар унга маънавий зарба бўлиб ёпирилади. Қаҳрамоннинг руҳий изтиробни драмада ички монолог шаклида кўринади. Образнинг қалб драмаси шеърый сатрларга сингдирилган.

Драмада Наврўз Жапақовнинг алғов-далғовли ҳаёт йўли, тақдири, замон руҳи, давр зиддиятлари фонида тўғри кўрсатилган. Драма, муаллифнинг сахна асари яратишдаги илк тажрибаси бўлса-да, тарихий шахс образи талқинида реал фактларни бадиий ҳақиқатга айлантиришда муаллиф муваффақиятга эриша олган. Умуман, драмада Қорақалпоғистоннинг яқин ўтмишига доир баъзи маънавий-ахлоқий масалалар конкрет шахслар образи орқали кўрсатилган.

Г.Матёкубованинг тарихий шахслар образларига мурожаати наинки, юқорида таҳлилга тортилган асарларида, бошқа шеърлари ва дostonларида, эссе ҳамда бадиаларида ҳам замондошлари бадиий қиёфасини адабиётга олиб қираётгани мактовга лойиқ. Масалан, муаллифнинг “Қайтмоқ учун

кетмоқдаман” эссеси машхур қорақалпоқ хайкалтароши, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Жолдасбек Қуттимуратовнинг ижодий фаолиятидан ҳикоя қилади. Асарда реал фактлар асосида санъаткорнинг бадиий образи гавдалантирилди. Назм ва насрда ёзилган эссе муаллифнинг ҳар икки бадиий шаклни синтезлаштириб, муҳим бадиий эстетик ғояларни ифодалай олиши салоҳиятидан дарак беради. Шоирнинг “Дарёга ботаётган қуёш”, “Зиёга ботаётган дарё” дostonларида ҳам буюк тарихий шахсларга мурожаатлар бор. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Нажмиддин Кубро, Абу Райҳон Беруний, Пахлавон Маҳмуд, Амир Темур, Алишер Навоий, Махтумқули Фироғий, Нурмуҳаммад Андалиб каби

тарихий сиймоларнинг яхшилик ва ёмонлик, зиё ва зулмат, эзгулик ва жаҳолат ўртасидаги курашга қўрилган асарлари шоирнинг орзу идеалларини ифодалашда маънавий таянч бўлгани шубҳасиз.

Хулоса шуки, узоқ ва яқин ўтмишда яшаб ўтган тарихий шахслар ва уларнинг бетакрор кашфиётлари Гулистон Матёкубова учун долзарб, бадиий-эстетик ғояларни илгари суришда муҳим манба, илҳом чашмаси вазифасини ўтади. Ва бу тажриба шоира ижодида мавзу ва услубий ранг-барангликни таъминлаганидек, бадиий маҳорат бобида талантининг чиникишида, тарихий воқелик билан бугуннинг миллий-маънавий кадриятларини уйғунлаштириб талқин этишда аҳамиятли восита бўлгани ҳам ҳақиқат.

Адабиётлар

1. Зулфия. Гулистоннинг бўстони. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993 йил, 30-апрель
2. Матёкубова Г. “Ватан руҳи”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2011. 158-б.
3. Матёкубова Г. “Йўлларингга чиқдим”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 1997. 280-б.
4. Матёкубова Г. “Қайтмоқ учун кетмоқдаман”. –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2007.
5. Матёкубова Г. “Уйғониш нашидаси”. –Тошкент: 2016.
6. Қураббоев К., Қураббоева Г. Гул бор Гулистон ичинда. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2016.
7. Қурамбаев Қ., Қурамбаева Г. Гул бар Гулистан ишинде (қарақалпақ тилинде). –Нөкис: “Қарақалпақстан”, 2018.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қорақалпоғистон халқ шоири Г.Матёкубованинг тарихий шахслар образини яратишдаги маҳорати таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется мастерство народной поэтессы Каракалпакстана Г.Матякубовой в создании образов исторических личностей.

SUMMARY

The article deals with the analysis of the skill of People’s poetess of Karakalpakstan G. Matyakubova in creating the images of historical figures.

«ҚОБЛАН» ДЭСТАНЫНЫҢ ЖАЗЫП АЛЫНЫҰЫ ХӘМ АТҚАРЫҰШЫЛАРЫ ХАҚҚЫНДА

К.С.Палымбетов – филология илимлериниң кандидаты, доцент

Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты

Таянч сўзлар: дoston, жиров, устоз-шоғирд, вариант, версия.

Ключевые слова: эпос, сказитель, наставник-ученик, вариант, версия.

Key words: epos, jirau (a teller of folklore), mentor-mentee, variant, version.

Дэстанлар жыраўшылық өнеринде үлкен орын ийелейди. Дэстанлардың халық арасынан жазып алыныуы хәм талантлы жыраў, бақсылар тәрәпинен үлкен той-жыйынларда атқарылыуы, оларды пүтин ел, аўыл болып тыңлауы дәстүрге айланып, халық этнографиясы менен тығыз байланысқан. Әсиресе, дәстанлардың халық көркем өнериниң бир түри сыпатында аўызекки атқарылып, устаз-шәкирт жолы менен әуладтан-әуладқа өтип, раўажланып, жетилисип барыуында жыраўлардың хызмети айрықша. Себеби, жыраўшылық өнерин үйрениўди нийет етип, қолына қобыз алған ҳәр қандай жас талант ийеси елдеги аты шыққан белгили жыраўларға шәкирт түскен. Жас атқарыўшылар жасы үлкен жыраўларға бир неше жыллар даўамында ерип жүрип, олардан саз хәм сөз өнерин үйренгеннен соң, устазының пәтиясы менен өз алдына жыраўшылық етиўди баслаған. Сонлықтан да, жаслардың жасы үлкен жыраўларды устаз тутыныуы, өз гезегинде атағы шыққан жыраўлардың да изинде шәкирт таярлап, өз алдына мектеп жаратыуы басқа түркий тиллес халықлар сыяқлы қарақалпақларда да дәстүрге айланған. Усындай устаз-шәкирт жолы менен қарақалпақ халық дәстанларының бири «Қоблан» өз атқарыўшылары тәрәпинен аўызекки түрде бизиң дәўиримизге шекем жетип келген. Хәзирги күни биз бул дәстанның белгили жыраўлардан жазып алынған 8 вариантына ийемиз. Бүгинги күнге шекем «Қоблан» дәстанының ең дәслепки варианты жазып алынғанлығына дерлик 100 жылдан асламырақ ўақыт болды деп айта аламыз. Бул ҳаққында атап өтетуғын

болсақ, дәстанның дәслепки нускасын рус фольклористи И.А.Беляев қарақалпақтың Қыпшақ аўылында (хәзирги Әмиўдәрья районы) туратуғын Кенегес руўынан Имамқулы деген жыраўдан 1903-жылы жазып алып Петербургтағы Азия халықлары музейине тапсырған. И.А.Беляев дәстанның бир бөлимин 1917-жылы Ашхабадта «Ер Қоблан» қыссасы, қарақалпақтың жыры» деген ат пенен бастырып шығарады (Протоколы заседаний и сообщений ЧЗКЛАИВ. Выпуск 3-4). Демек, бул дәстанның Қарақалпақстанның қубла районларында да кеңнен таралғанлығынан дерек береді. Деген менен усы дәўирлерде халық мийрасларын жазып алыу ислериниң дурыс жолға қойылмауы себепли арадан қырық жылға шамалас ўақыт өткеннен соң «Қоблан» дәстанының буннан соңғы вариантларының көпшилиги дерлик арқа районларда жасаўшы жыраўлардан жазып алынады.

Жазыўшы хәм илимпаз Н.Жапақов халық мийрасларын жыйнаўшы С.Мәўленов пенен бирге Қоңырат районының Ақшаңдақ деген жеринде жасай-уғын Есемурат жыраў Нурабуллаевтан 1939-жылы «Қоблан» дәстанын жазып алып, 1941, 1959-жыллары Төрткүл қаласында «Қарақалпақ мәмлекетлик» баспасында өз алдына китап етип бастырып шығарады.

«Қоблан» дәстанының қалған вариантлары Ўзбекстан Илимлер Академиясы Қарақалпақстан бөлими тәрәпинен шөлкемлестирілген фольклорлық экспедиция дәўиринде илимий хызметкерлер тәрәпинен жазып алынады. 1959-жылы Халқабат аўылында жасаўшы Карам жыраў Нағымов тәрәпинен Кегейли